

Биз телевидениё ёки матбуотда классик шеърият, асар хақида бахс юритганимизда ҳам паткаламнинг доводга солинган суратини беришга одатландик. Ёки янги чоп этилаётган китобларимизнинг муковасига ҳам паткалам расмини тушириб кўядиган бўлдик. Мен 30 йилга яқин давр давомида таълим тизимида меҳнат қилиб келаман. Шу боис, аксарият холларда Алишер Навоий ёки Бобур таваллудлари муносабати билан чиқарилган деворий газеталарда ҳам паткалам тасвирини кўп учратаман.

Талабаларга бу ҳақда тушунтиришга ҳаракат қиламан. Қискача айтганда, паткалам бизнинг ўтмишимизда, айниқса, Ислом дини қириб келгандан кейинги даврларда деярли ёзув ишида қўлланилмаган. Асосий ёзув қуроли қамиш қалам бўлган. Буни классикларимиз асарларидан тўлиқ англашимиз мумкин. Энди савол тугилади: паткалам тасвири ўзбек адабиётига тимсол сифатида рус классиклари орқали қириб қолмаганмикин? Ахир, Пушкин, Гогол сингари рус классиклари паткаламда ёзишган. Шу боис, рус адабиёти тарихида паткалам тасвирининг рамз сифатида берилиши тўғри. Яқин ўтмишда ўзбек адабиётининг рус адабиётидан таъсирланганлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг натижасида, рус адабиётидаги паткалам тасвири ўзбек адабиётига ҳам қириб қолган бўлиши мумкин.

Паткаламнинг Шарк дунёсида, нафакат Шарқда, балки Европа ёзув маданиятида қўлланилганлиги хақида турли фикрлар мавжуд. Маълумки, дунё тараккиётининг турли босқичларида турли ўлкаларда турли хилдаги ёзув қуролларидан фойдаланилган. Улар хусусида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, рус тадқиқотчиси А.Каждан ўзининг «Книга и писател в Византии» номли китобида бу борада жуда қимматли маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича, Миср қотиблари эразмиздан олдинги учинчи асрда ҳам қамиш қаламдан фойдаланишган, унинг уч қисми қийшиқ холда қесилган бўлиб, ёзувни янада нафис ёзиш имконини берган. Қадимда қотиблар қамиш қалам билан бирга суяк ёки металлдан ишланган қалам турларидан ҳам фойдаланишган. Гарб дунёсида бу қалам турлари ўрнини аста-секинлик билан паррандалар патидан тайёрланган паткаламлар эгаллаш бошлаган. А.Кажданнинг фикрича, антик давр қотиблари, эхтимол, паткаламдан фойдаланишмагандир; ҳар холда, у даврларга оид юнон ёки рим ёдгорликларининг биронтасида ҳам паткаламдан фойдаланилганлиги қайд этилмаган, аксинча, барча матнларда қамиш қалам ёдга олинган, расом суратларида ҳам, асосан қамиш қалам тасвирланган. Гарб-да ХИ асрга қадар яратилган диний миниатюраларда евангелист (инжилчи)лар сурати қўлларида қамиш қалам билан тасвирланган. ХИИ асрдан эътиборан яратилган диний миниатюраларда қамиш қалам тасвири акс этмаган. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Гарбда қамиш қалам ўрнини паткалам эгаллаши ХИ аср-да ўз ниҳоясига етган. Бундай хулосага қелишимизга ХИИ асрда яратилган Гарб қўлёзма асарларида фақат гоз, оқуш ёки товус патларидан тайёрланган қаламлар хақида бахс этилганлиги асос бўла олади. Лекин Византияда паткалам турларининг ишлатилганлиги хануз номаълум, аммо қамиш қаламнинг узок вақтларгача асосий ёзув қуроли сифатида ишлатилиб келинганлиги маълум. Масалан, ХИИИ асрда яратилган ва бугунги кунда Париж кутубхоналаридан бирида сақланаётган «Инжил»да стол устида ётган бир неч-та қамиш қалам тасвири берилган. Ёки ундан анча кейин, аниқроғи, ХИВ аср

Ўрталарида яратилган ва hozир Москва тарихий музейида сакланаётган кўлёмаларда тасвирланган 407 евангелист (инжилчи)нинг сурати кўлларида камиш калам билан тасвирланган. Поляк олими Л.Винничук ўзининг «Люди, нравы и обычаи Древней Гертсии и Рима» номли китобида А.П.Кажданнынг юкоридаги фикр-ларини тасдиқловчи далилларни келтиради. Унинг фикрича, юнонлар кадимда папирус ва пергаментга, асосан, камиш калам билан ёзганлар.

Мисрликлар камишнинг факат шўр боткокликда ўсганларинигина танлашган. Камиш поясидан керакли узунликдаги кисми кесиб олинган ва унинг бир учи киясига кесилган. Сўнгра камишнинг бу кисмига ишлов берилган. Кадимги мисрликлар каламнинг хар икки томонидан хам фойдаланишган. Тарашланиб ишлов берилган кисми билан ингичка ёзувларни, текис кесилган томони билан эса калин ёзувларни коралашган. Милоддан аввалги икки мингинчи йилнинг биринчи ярмига кадар, яъни Ўрта подшошлик даврида Миср котиблари чўпининг узунлиги 40 см.гача, учининг эни 2.5мм.гача бўлган камиш каламларда ёзишарди. Кадимги Сурияда асосий ёзув куроли камиш калам бўлганлиги хакида маълумотлар бор. Камиш каламдан фойдаланиш Ўрта Ер денгизи атрофидаги халкларда эрамиздан олдинги даврларда хам маълум эди. Тахминан учинчи асрдан эътиборан камиш каламнинг учи тарашланган холда ишлатила бошланди. Кадимда ёзув куроли сифатида суяк хамда металлдан ишланган каламлардан хам фойдаланилган, аммо камиш калам ишлатилиш жихатидан уларга нисбатан кулай бўлган. Чунки камишнинг говак кисми сиёхни тутиб туриш хамда унинг хадеб томиб кетмаслик имкониятларини саклаган. Сурия каламларининг яна бир афзаллиги шунда эдики, уларнинг учи тарашланиш билан бирга икки кисм-га ёриб кўйилганлиги натижасида хар доим хам бир хил хажмдаги ингичка харфларни равон ёза олиш имконини берар эди. Каламнинг ушбу тури дунё бўйлаб кенг таркалган эди. Ундан яхудий, юнон, копт, араб халклари ёзув ишида фойдаланишар эди.

Рус китобатчилигида, камиш калам деярли кўлланмаган. Ушбу фикрни рус китобшунос олими И.Баренбаум хам тасдиқлайди. И.Баренбаум кадимги рус котиблари ёзув ишларида, асосан паткалам ишлатганлигини, унинг гоз, оккуш, хатто, товус патларидан тайёрланганлигини ёзади. Тўгри, кадимги Русда яратилган инжилларга ишланган миниатюраларда евангелист (инжилчи)лар кўлларида камиш калам тутган холда тасвирланган. А. Кажданнынг фикрича, бу кадимги анъаналарга уйгун шаклда ишланган, холос. Бу анъана Русга Византиядан ўтган бўлиши мумкин. Рус тадқиқотчиси В. Янин кадимги Русда папируснинг ишлатилмагани, унинг ўрнида эса, кайин пўстлоги (берес-та) кўлланилганини хамда ёзув куроли сифатида суяк, металл, тахта каби ашёлардан тайёрланган каламлар ишлатилганини далиллар асосида ёритиб беради. Унинг ёзишича, кадимги Русда бундай ёзув куроллари «писала» термини билан ифодаланган. Писалалар теридан ишланган махсус гилофда сакланган. Рус археологлари писалаларни Новгород, Псков, Смоленск, Рязан, Саратов каби шаҳарларда олиб борилган казилма ишларида топишган. Дас-тлабки вақтларда уларни «тўгногич», «териға ишлов беришда кўлланиладиган асбоб», «билагузук колдиги» деб хам тахмин килишган.

Араб кўлёмза китобатчилигида ёзув куроллари сифатида камиш калам биринчи ўринда турган. Араблар ушбу ёзув куролини калам, мизбар, яра каби терминлар билан аташган.

Бу номга ҳамда предметга тарихда жуда катта хурмат-эътибор билан карашган ва унга хар доим ҳамду санолар айтилган. Ислом дунёсида каламнинг илк таърифиди мукаддас Куръони каримда айтилган. Куръони каримнинг илк нозил бўлган сураларидан бирининг номи ҳам «Калам» сураси бўлган.

Арабшунос олим А. Халидовнинг фикрича, калам, асосан, камишдан тайёрланган, унинг уч қисми киялатиб кесилган ва тарашланиб, ўртасидан ёриб кўйилган. Араб адабиётида каламга ижод ва гўзаллик илхомчиси сифатида нисбат берилиб, мадх этилган. Сифатли калам бебаҳо бойлик ҳисобланган, унинг сифати камишнинг қаерда ўсганлиги, сакланиши, калинлиги, ранги, хуллас, танлаб олинишига кўп жихатдан боғлиқ бўлган. Камиш калам ёзиладиган ёзув турига ҳамда хаттот дидига уйғун бўлиши керак эди. Албатта, араб китобатчилиги билан ўзбек китобатчилиги ўртасида тарихий муштараклик мавжуд. Ўрта Осиё-га мукаддас Ислом дини билан бирга араб тили ва у орқали кўплаб арабча сўзлар кириб келди. Арабча ўзлашма катламнинг миқдори сохаларга кўра турлича бўлган. Хусусан, ўзбек китобатчилигида унинг миқдори анча салмоқлидир. Тарихимизда асосий ёзув қуроли камиш калам бўлганлиги ва уни ифодалашда араб тилидан ўзлашган калам термини кўлланилгани маълум. Калам сўзи асли юнонча (каламос) бўлиб, «камиш» сўзини ифодалаган. Бу лексема ўзбек тилига араб тили орқали ўзлашган. Араб тилида калам сўзининг маъно англатиш кўлами анча кенг бўлган. Унинг асосий маъноларидан бири ёзув қуроли эканлиги ҳаммамизга яхши маълум. Араб тилида калам сўзининг лугавий маъноси «кесилган, тарашланган, кесик»дир. Шу маънода калам ёзма адабиётда кўплаб учрайди. Калам сўзининг ушбу маъно ифодасидан Алишер Навоий ўз асарларидаги бадиийликда усталик билан фойдаланади: «Раиятка қилса каламзан ситам, Каламзаннинг илгини қилсун калам. Яъни: «Халкка ситам қилган қотибнинг қўлини кессин (ёки кесилсин). Ёки: «Муфтиким, ишига музд олиб қилса ракам, Музд ортук эса, майл керак қилгай кам, Фатвода чу бўлди музд учун «ло» ву «наам», Қилмок керак ул каламзан илгини калам.» Яъни: Муфти агар иши учун ҳақ олиб калам сурса, Ҳақ ортик бўлса, қамайтирмоғи керак. Йўл кўрсатишда пул учун «ха» ё «йўк» деган ҳукми берса, У калам тебратувчи қўлини каламдек кесмок керак.

Калам ҳақида ёзиш ва уни таърифлаш Ўрта аср ижодкорлари орасида анъанага айланган эди. Шу боисдан, хар бир муаллиф асарида бу ҳақдаги фикрларни топиш мумкин бўлади. Албатта, буюк сўз устаси Алишер Навоий бобомиз асарлари бундан мустасно эмас. У каламнинг фақат эзгу ишларга хизмат қилишини, хар кимнинг каламидан доимо шакар томиб туришини орзу қилади. Бу ҳақда «Фарход ва Ширин»да шундай дейди:

«Калам баҳри қафида турфа ишдур,
Магар дарё аро бутган камишдур.
Ажаб эрмас камиш бўлмоғ шакаррез,
Ва лекин бу камиш бўлмиш гухаррез.
Учидин ҳам гухар оламга сочиб,
Ичиндин ҳам шакар дўкони очиб.
Саросар гўйиё ул най гухардур,
Галат қилдим, лаболаб найшакардур».

Каламнинг ўз даври учун нихоятда муҳим ёзув куролларидан бири эканлиги юкорида келтирилган фикрлардан ҳам кўриниб турибди. Шу сабабли, ёзув ишидаги асосий курол саналган каламга ҳамда уни тайёрлаш жараёнига катта эътибор берилган. Ўрта асрларда калам тайёрлаш иши муҳимлиги жихатидан коғозгарлик каби хунармандчиликнинг бир соҳасига айланган эди. Айрим ҳолларда хаттотларнинг ўзлари ҳам бевосита бу иш билан шугулланганлар. Таъкидлаш лозимки, ўта сифатли калам тайёрлаш иши кўп ҳолларда махфий сакланган. Чунки бу соҳада ҳам ракобат мавжуд бўлиб, кимнинг моли сифатли бўлса, унинг харидори ҳам кўп бўлган. Калам усталари ўзларининг доимий мижозларига эга бўлганлар.

Калам яшаш учун ажратиб олинган камиш бўлаги сувда тўк жигарранг олгунга қадар бостирилган ҳолда сакланган. Сўнгра унга бироз ишлов берилгач, бўгин пастидан маҳсус пичок ёрдамида камишнинг учи тарашланган. Каламни каламтарош билан тарашлаш жараёни ўта муҳим ҳисобланиб, кўп ҳолларда бу жараённи хаттотнинг шахсан ўзи бажарган. Чунки хаттотнинг дастхати ва ёзувининг сифати бевосита ана шу жараёнга боғлиқ бўлган. Шу сабабли, баъзи хаттотлар каламтарош билан ишлаш жараёнини ўта сир тутганлар.

Дастлабки вақтларда довод термини фақат «сиёҳдон» маъносинигина ифодалаб қолмасдан, унинг маъно англатиш кўлами кенгайиб, сиёҳ билан калам сакланадиган қопқокли, бежиримгина ишланган қутичани ҳам англатган. Хаттотлик ишининг янада такомиллашиб бориши билан ёзув куролларининг турлари ҳам кўпайиб борди. Шу туфайли, кейин-чалик довод термини фақатгина «сиёҳдон» маъносини ифодалашга хизмат қилган бўлса, «ёзув куроллари сакланадиган қутича» учун арабча калам сўзига «яшаш асосидан англашилган нарсаларни саклашга ҳосланган, шу каби нарсалар солинадиган нарсани англатувчи отларни ясовчи» форс-ча-тожикча - дон кўшимчасини қўшиш орқали ясалган каламдон термини муомалага кирди. Алишер Навоий ўз асарларида ушбу терминдан ҳам ўз ўрнида фойдаланади: «Ямон қотиб манзили каламдонидек чох аро бўлсун, Каламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун».

Каламдон кўпинча коғоз бўтқасининг гипсли аралашмасидан ёки мисдан ясалган бўлиб, унинг уст қисми турли бадийий зийнатлар, хусусан, қумушдан ишланган қадама нақшлар билан безатилган. Каламдонда довод ва каламдан ташқари яна бир қанча ёзув ашёлари сакланган ва уларнинг ҳар бири ўз номига эга бўлган.

Каламдонда сиёҳни қуритишда ишлатиладиган қум (рих) ва уни саклашга мўлжалланган «рихдон», елим учун идиш, бигиз, қисқич, калам учини артиш учун латта, доводга сув қуйиш мосламаси, қизғич, қайроқтош, тағлик қабилар сакланган. Бундай ёзув ашёларини тайёрлашга алоҳида эътибор билан қаралган. Улар тропик юртларда ўсадиган обнус ёки сандал дарахтидан, бронза, жез, пўлат, олтин, қумуш қабилардан тайёрланган. Бу ашёлар шундай ноёб нарсалардан тайёрланса-да, улар оддий ва кўзга ташланмайдиган қилиб ишланган.

Тарихда хаттотлик ва матбаа-чиликда ишлатиладиган сиёҳ ёки бўёқнинг сифатига эътибор қучли бўлган. Чунки хаттотликда хуснихатни таъминлашда коғоз билан бирга сиёҳнинг ҳам ўзига ҳос ўрни бор эди. У даврларда сиёҳнинг икки тури кенг тарқалган.

Улардан бири суюкрок бўлса, иккинчиси hozирда биз «туш» деб атайдиган сиёх турига ўхшаш куюкрок ва ялтирок бўлган. Сиёх тайёрлашда хом ашё сифатида аччиктош, кора куя, ёнгок, олча елими кабилар ишлатилган. Сиёх рангининг кай кўринишда бўлишига караб унга хина, ўсма суви, дарё кўпиги, тухум, асал, канд, туз, нил бўёги, сирка кабилар илова килинган. Шунингдек, сиёхнинг ёки у оркали ёзилган китобнинг доимо хушбўй хид таратиб туриши учун атиргул сувидан тортиб анбаргача кўшилган. Ўрта Осиёда энг сифатли сиёх тури Бухорода тайёрланган. Бухоро сиёхи корамтирлиги, ялтироклиги, ўчмаслиги, айникса, хушбўйлиги билан бошқа сиёх турларидан ажралиб турган. Бу сиёх таратаётган хушбўй хид коғоз ранги билан уйғунлашган тарзда кишига янада яхши кайфият, тетик рух бахш этган.

**Иброхимжон Йўлдошев,
Низомий номидаги ТДПУ профессори**